

# **СУРХОНДАРЁДАГИ ЙИРИК СУВ ХЎЖАЛИГИ ОБЪЕКТИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ**

Таъкидландики, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Ангор, Термиз, Қизириқ, Музработ туманларининг 82 минг гектардан зиёд экин майдонларини обиҳаёт билан таъминлашга хизмат қилиб келаётган ушбу объект 1985 йилда фойдаланишга топширилган. Сув олиш манбаи - «Аму-Занг» канали, 8 дона насос агрегатлари ўрнатилган. Сув чиқариш қуввати секундига 128 минг метр куб, сувни 50 метр баландликка кўтариб беради.



Семинарда насос станциясида энерготежамкор қурилмаларни ўрнатилиши, таъмирлаш ишларининг ташкил қилиниши, сув олди-берди журналларини тўғри юритилиши, ходимларнинг техника хавфсизлиги қоидалари бўйича йўриқномалар билан таништирилганлиги ҳолати кўриб чиқилди.



Бундан ташқари, насос станцияси ва ундаги агрегатлар ҳамда электр двигателларни хавфсиз, ишончли ва техник соз ҳолатда ишлатиш, гидротехник иншоотлардан фойдаланиш юзасидан қоидаларга риоя қилиш, сувдан фойдаланишда гидротехник иншоотларни самарали бошқариш қаби масалалар муҳокама қилиниб, ходимларга батафсил тушунча бериб ўтилди. Шунингдек, насос станциясида меҳнат қилаётган ишчилар Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунида белгиланган мажбуриятлардан хабардор қилинди.

*Ахборот хизмати*